

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Магистрлик диссертация ёзиш  
бўйича йўриқнома*

Тошкент–2018

## МУҚАДДИМА

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, магистратура талабаси бўлганлигингиз билан табриклаймиз! Ўқиш-ўрганишдан бир лаҳза бўлса-да тўхтаманг!

Билим, илм-фан ва илмий назарияларнинг юзага келиши, ривожланиши муаммоларни тўғри англашдан бошланади, тажриба, кузатув эса назарияларни синаб кўриш, асослаш усуллари дир. Икки йил мобайнида олиб борган илмий изланишларингиз маҳсули бўлган магистрлик диссертацияси ўзлаштирилган билим ва шахсий тажрибанинг мутаносиблиги асосида ёзилади. Талаба ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишнинг натижаси илмий-инновацион ишланма сифатида тижоратлаштирилади.

Изланувчи мустақил илмий-тадқиқот юритиши ҳамда муайян илмий-амалий вазифаларни ҳал қила олиши керак.

Мазкур йўриқнома магистрлик диссертация (МД) мавзусини танлаш, ахборот ресурс маркази (АРМ)да адабиётлар билан ишлаш графигини шакллантириш, мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш, илмий раҳбар билан биргаликда магистрлик диссертация календарь иш режасининг тузилиши, илмий мақола ва тезислар чоп этиш, магистрлик диссертациянинг ҳар бир бобини муҳокама қилиш, тил даражаси бўйича сертификат олиш каби қисмлардан иборат бўлиб, унда илмий адабиётларни ўқиш, ахборотларни оғзаки тарзда тақдим этиш, илмий услубдаги матнларни ёзиш бўйича тавсиялар баён қилинган; магистрлик диссертацияни ёзиш, расмийлаштириш ва ҳимояга тайёрлаш юзасидан амалий маслаҳатлар берилган.

## **1.Магистрлик диссертация мавзусини танлаш**

Магистрлик диссертация мавзулари университет олимлари, PhD ва DSлар томонидан шакллантирилгач, университет Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилиниб тасдиқланади ва мазкур олий таълим муассасасининг маълумотлар базасига илмий ишнинг моҳияти акс этган қисқача аннотация билан киритилади. Талаба мутахассислиги бўйича тақдим қилинаётган мавзулар билан танишиш имкониятига эга бўлиб, улардан бирини танлашлари керак. Мавзуларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида маълумотлар базасида танланган мавзу сайтда белгиланган чизилган ҳолда кўрсатилади. Мавзу танлаган талаба университетнинг илмий бўлиmidан илмий раҳбар ва кафедра ҳақида маълумот олади.

## **2.Ахборот ресурс маркази (АРМ)да адабиётлар билан ишлаш графигини шакллантириш**

Магистратура талабаларига ҳар ҳафтада 36 академик соат ажратилган бўлиб, ундан 20 соат махсус фанларни ўзлаштириш ва 16 соат АРМда диссертация устида ишлаш учун режалаштирилган. Мазкур 16 соат назарий, амалий ва экспериментал тадқиқотларни миллий ва халқаро манбалар орқали ўрганишга йўналтирилган. Талаба университет ахборот ресурс марказида рўйхатдан ўтгач, очилган “шахсий кабинет”ларига фойдаланилган ва тўпланган адабиётларни жойлаб боришади. АРМда фойдаланган талаба маълумотларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиши керак:

**Маълумотларнинг замонавийлиги** – назария ва тушунчалар ўзгаришини инобатга олиб, маълумотлар бугунги илм-фан ютуқларига мос келиши ҳамда амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

**Маълумотларнинг ишончли манбаларга асосланганлиги** – Интернетда илмий салоҳиятга эга бўлмаган ва тажрибада синалмаган маълумотларнинг мавжудлиги боис уларнинг муаллифини ва манба қайси нашриётга тегишли эканлигини аниқлаш зарур.

**Маълумотларнинг объективлиги** – кўпгина веб-сайт ва маълумот базаларида тижорат ва мафкуравий масалаларга урғу берилиб, объективлик четлаб ўтилади. Талаба маълумотларнинг объектив бўлишига эътибор қаратиши жоиз.

**Маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги** – аниқ ва ишончли манбалар асосида фойдаланилган адабиётлар рўйхати шакллантирилади.

### **3. Мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш**

Магистрант тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилида ўз илмий қарашини қуйидагича аниқлаштириши лозим:

- 1)тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- 2)мақсад ва вазифалари;
- 3)объекти ва предмети;
- 4)илмий янгилиги.

Тадқиқот ишини ёзиш жараёни долзарб мавзунини танлаш, ишнинг мундарижасини тузиш, изланишлар олиб бориш, эслатмаларни ёзиб бориш каби босқичлардан иборат. Илмий ишни ёзаётганда тадқиқотчи барча босқичларнинг тўғри шакллантирилганлигига амин бўлиши лозим.

### **4. Илмий раҳбар билан биргаликда илмий иш календарь иш режасининг тузиш**

Магистратура талабасининг фаолияти устидан доимий мониторинг олиб борилади ва ўз вақтида магистрлик диссертациясини сифатли тайёрлаш мақсадида календарь иш режаси тузилади. Талаба фаолияти устидан мониторинг қуйидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

- 1) талабанинги календарь иш режасида кўрсатилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилиши;
- 2) иккита илмий мақола, республика ёки халқаро миқёсдаги илмий конференцияда иккитадан кам бўлмаган тезис чоп этганлиги;

3) илмий семинар, конференция ва симпозиумларда иштирок этганлиги;

4) магистрлик диссертацияни якунлаш, апробациядан ўтказиш ва ҳимоя қилиш.

Ҳар бир талаба илмий тадқиқот мавзусини танлагандан сўнг илмий раҳбари билан ишлаш режасини тузади. Иш режасининг жадвали вақтни тўғри ташкиллаштириш, бошқариш ва унга риоя қилишда талабага ёрдам беради.

Илмий раҳбар қуйидаги ишларни амалга оширади:

1) тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам беради, маслаҳатлар жадвалини тузади;

2) тадқиқот усулларини танлашда ва уларни қўллашда талабага кўмаклашади;

3) талабанинг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва диссертация ўз вақтида тайёрланишини назорат қилади;

4) магистрлик диссертацияга хулоса беради;

5) ишнинг бошидан якуний босқичигача назорат қилади;

6) иш бўйича илмий-инновацион ишланмани тижоратлаштиришга доир таклиф беради.

## **5. Илмий мақола ва тезислар чоп этиш**

Илмий тадқиқот натижаларини янада кенгроқ илмий жамоатчиликка танитиш ва кўрсатиш учун унда илгари сурилган ғояларни мақола ва тезис шаклида нашр этиш лозим. Мақолаларни қабул қилишда тахририят беш асосий мезонга асосланади:

1) мақолада мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги;

2) ёзиш услубининг сифати (яъни аниқ, содда, осон ва мантиқий);

3) татбиқ этилган тадқиқотнинг самарали ва кенг қамровлилиги;

4) адабиётларнинг ўрганилганлик даражаси;

5) мақола мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили.

## **6. Магистрлик диссертациянинг ҳар бир бобини муҳокама қилиш**

Талаба МДни тайёрлашда кафедрага бириктирилади ва шу кафедра томонидан илмий иш жараёни кузатиб борилади. Кафедра мажбуриятларига қуйидагилар киради:

1) талаба томонидан тузилган календарь иш режасининг бажарилиш ҳолатини назорат қилиш;

2) илмий мақолалар муҳокамаси, таҳрири ва уларни нашрга тавсия қилиш ишларини ташкиллаштириш;

3) амалга оширилган ишлар бўйича йилига икки марта талаба ҳисоботини тинглаш;

4) диссертация бобларини ҳимоя қилиш жараёнини тизимлаштириш ва илмий ишга танқидий ёндашув муҳитини яратиш;

5) илмий ишнинг тижоратлаштириш хусусиятларини амалиётда татбиқ этиш. Бунда электрон луғатлар, полиграфик луғатлар, чет тилни ўқитиш бўйича оригинал методик ишланмалар, бадиий таржималар ва қонунчиликка зид бўлмаган барча турдаги маҳсулотларни инобатга олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

6) тадқиқот мавзуси бўйича аниқланган терминлар ва ўрганилган адабиётлар шарҳи (таҳлили)ни “шахсий кабинет”га жойлаштирилишини назорат қилиш;

7) илмий ишнинг шаффофлигини, сифатини таъминлаш ва талабанинг илмий нутқини синовдан ўтказиш мақсадида ҳимояга чиқишдан олдин апрель ойининг иккинчи ярмида бўлиб ўтадиган махсус анъанавий конференцияда талаба ўз илмий иши юзасидан маъруза қилади. Конференцияда талабалар, докторантлар ва илмий раҳбарлар иштирок этади.

## **7. Тил даражаси бўйича сертификат олиш**

Ҳар бир магистратура талабаси диссертациянинг расмий ҳимоя жараёнигача ўзи ўрганаётган тил бўйича С1 даражасини белгиловчи сертификат олиши тавсия қилинади.